




O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MONOPOLIYAGA QARSHI KURASHISH QO'MITASI
ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100128, Toshkent sh., Labzak ko'chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-47-00, Tel.: (998 71) 241-92-04
e-mail: info@antimon.gov.uz, e-xat: antimon@exat.uz, www.antimon.gov.uz



“Ўзбеккино” миллий агентлиги

Монополияга қарши курашиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фильмлар ва сериалларни ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш ҳамда кинематография соҳасини қўллаб қувватлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳасини (ID-26051 (V-1) Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида кўриб чиқиб, мазкур қарор лойиҳасининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича хулосани иловага мувофиқ юбормоқда.

Rais



Sharipov N. S.

Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши курашиш
қўмитасининг хатига илова

Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича ХУЛОСА

I. Умумий маълумотлар

Хулоса Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:

“Ўзбеккино” миллий агентлиги.

2. Лойиҳанинг номи ва тури:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фильмлар ва сериалларни ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш ҳамда кинематография соҳасини қўллаб қувватлаш тўғрисида”ги қарори.

3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:

Қарор лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 20 ноябрь куни “Ўзбекфильм” киностудиясига ташрифи давомида берилган топшириқлари ва кино ижодкорлари билан ўтказилган учрашувнинг 92-сонли баёни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 ноябрдаги 07/1-2152-сон топшириғи асосида ишлаб чиқилган.

4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:

Фильмлар ва сериалларни ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш ҳамда кинематография соҳасини қўллаб қувватлаш назарда тутилган.

II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гурухлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган ҳужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар

5. Ҳужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гуруҳ

иштирокчиларининг таснифи:

тадбиркорлик субъектлари гурухлари – кинематография соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлар;

давлат органлари гурухи – “Ўзбеккино” миллий агентлиги, Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлар ва бошқа вазирлик, идоралар.

6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:

6.1. Қарор лойиҳасининг 3-бандида ERIELL Group ва ENTER Engineering компанияларининг “Буюк Ипак Йўли” номли бадиий фильм ишлаб чиқаришни ҳомийлик маблағлари хисобидан молиялаштириш хақидаги таклифларига розилик берилиши;

6.2. Қарор лойиҳасининг 8-банди иккинчи-бешинчи хатбошиларида “Ўзавтосаноат” АЖ “Дўстлар клуби” доирасида:

2020 йилда “Олтин Хумо” миллий кинотақдимотини **ҳомийлик маблағлари хисобидан ўтказишни таъминласин**;

йил якунлари бўйича байрам тадбирларини ташкил этиш, атоқли киношунос ва киноарбобларнинг юбилей тантаналарини ўтказиш ва кўп йиллардан буён фаолият юритаётган киноижодкорларни рағбатлантириш ва тақдирлаш бўйича **амалий ёрдам қўрсатсин**;

йил якунлари бўйича “Дебют” танлови ғолибларига республикамизда ишлаб чиқарилган бир дона **автомобиль мукофот сифатида тавсия берилсин** деб кўрсатилган.

6.3. Қарор лойиҳасига 1-илованинг 18-қатори иккинчи хатбошида “Ўзавтосаноат” АК томонидан кинотақдимотнинг бош ҳомийси сифатида ташкилий масалаларда ҳомийлик кўмагини кўрсатиш топширилмоқда.

6.4. Қарор лойиҳасига 2-иловада “Ўзбеккино” Миллий агентлигининг вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда 2020-2021 йилларда бадиий,

хужжатли, анимацион фильмлар ва сериаллар ишлаб чиқариш бўйича режаси кўрсатилган бўлиб, қарор билан киномахсулотини ишлаб чиқувчи **киностудия ва ижодий гуруҳлар номи тасдиқлаб кетилмоқда.**

6.5. Қарор лойиҳаси 4-иловасида “Амир Темур”, “Имом ал-Бухорий” ва “Буюк Ипак Йўли” номли кинолойиҳаларни тайёрлаш бўйича ИШЧИ ГУРУҲ ТАРКИБИ тасдиқланаётган бўлиб, унда комиссия таркибига хусусий компания “ERIELL Group” компанияси ҳам киритилмоқда.

III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили

7. Хужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози

7.1. Ўзбекистон Республикасининг “**Тадбиркорлик фаолияти эркинликлигининг кафолатлари тўғрисида**”ги Конунининг 8-моддасига асосан Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўз фаолияти йўналишларини, товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларни ва ўз товарларининг (ишларининг, хизматларининг) истеъмолчиларини **мустақил равиша танлашга**, ўз товарларини (ишларини, хизматларини), ишлаб чиқариш чиқиндиларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, **мустақил равиша белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилишга ҳақли эканлиги** кўрсатилган.

20-моддасига асосан тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўзлари ишлаб чиқарадиган товарларнинг (бажарадиган ишларнинг, кўрсатадиган хизматларнинг) ва уларни реализация қилишдан олинган даромадларнинг (фойданинг) мулкдори эканлиги, тадбиркорлик фаолияти субъектлари барча ишлаб чиқариш харажатларининг ўрни қопланиб, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган даромадни (фойдани) ўз хоҳишига кўра тасарруф этиши белгиланган.

22-моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонун хужжатларига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни мустақил амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг “**Давлат харидлари тўғрисида**”ги Конунининг 4-моддасига асосан давлат харидларининг асосий принциплари этиб **молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги**, тежамкорлиги ва самарадорлиги, очиқлик ва шаффоффлик, тортишув ва холислик, **коррупцияга йўл қўймаслик** этиб белгиланган. Шунингдек,

давлат харидларининг асосий принциплари давлат харидлари жараёнининг барча босқичларида қўлланилиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига асосан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шартномалар тузишда устунлик бериш, сотиб олувчиларнинг муайян доирасига товарларни биринчи навбатда реализация қилиш, молиявий маблағларнинг манбаларини танлаш ва улардан фойдаланиш йўналишларининг афзаллиги тўғрисида хўжалик юритувчи субъектга кўрсатмалар бериши, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятига оқибатда рақобат чекланиши мумкин бўлган тарзда аралashiши, айrim хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши **тақиқланади**.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сон Фармонининг 27-бандида вазирлик ва идоралар, шунингдек, хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига давлат харидларини амалга оширишда истисно тарзида тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ҳуқуқини беришни назарда тутувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш тақиқланган.

Ушбуларни инобатга олиб:

- **қарор лойиҳасидан 3-бандни, 8-банди иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошиларини, қарор лойиҳасига 1-иловадаги 18-қатор иккинчи хатбошини чиқариб ташлаш;**
- **қарор лойиҳасига 2-иловада кўрсатилган киномаҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича киностудияларни фақат танлов савдоларида аниқлаш;**
- **қарор лойиҳасига 3-илованинг 10-қаторидан “Давлат рақобат қўмитаси”ни чиқариб ташлаш;**
- **қарор лойиҳаси 4-иловасидан “ERIELL GROUP” компаниясини чиқариб ташлаш зарур.**

IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кинематография соҳасида давлат иштирокини камайтириш ҳамда фаолият юритаётган барча тадбиркорлик субъектларга тенг шароитлар ва соғлом рақобат муҳитини яратиб бериш мақсадида мазкур қарор лойиҳасини ушбу таҳрирда қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эмаслиги ва **юқоридаги таклиф ва эътиrozларни инобатга олган ҳолда қабул қилиш мақсадга мувофиқ хисобланади.**